

65.0 ✓
H-

**МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ
БАЛАНСНИ ТУЗИШ ВА ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШГА МУХТОЖ
ШАХСЛАРНИ АНИКЛАШ
МЕТОДИКАСИ
ВА УҚУВ-МЕТОДИК
ҚўЛЛАНМАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКРОИҚТИСОДИЁТ
ВА СТАТИСТИКА ВАЗИРЛИГИНИНГ СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ**

**МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ
БАЛАНСИНИ ТУЗИШ ВА ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШГА МУҲТОЖ
ШАХСЛАРНИ АНИКЛАШ
МЕТОДИКАСИ
ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК
ҚўЛЛАНМАСИ**

**NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi**

em 13

**NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI**
Axborot-resurs markazi

2050

Namangan
davlat
universitetining
kutubxonasi

M 0605010203 — 35 — 2002
351(04) — 2002

ISBN 5—640—03130—1

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2002 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
2002 ЙИЛ 31 ЯНВАРДАГИ
42-СОН ҚАРОРИ БИЛАН
ТАСДИҚЛАНГАН

**МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ
БАЛАНСИНИ ТУЗИШ ВА ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШГА МУҲТОЖ
ШАҲСЛАРНИ АНИҚЛАШ
МЕТОДИКАСИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Методика Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда меҳнат ресурслари мавжудлигини ва улар тақсимланишини тавсифловчи меҳнат ресурслари балансини ва унинг кўрсаткичларини тузиш тартибини, шу жумладан:

меҳнат ресурслари сонини;

иқтисодий фаол аҳоли сонини, шу жумладан иш билан таъминланган аҳолини ва унинг иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланишини ва ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган аҳоли сонини;

иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сонини белгилаб беради.

Методика меҳнат статистикаси соҳасидаги халқаро стандартларга асосланган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади.

Меҳнат ресурслари балансини тузишда ахборот базаси сифатида Статистика давлат департаментининг статистика маълумотларидан ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган иш билан таъминлаш масалалари бўйича ишчи кучини ўрганиб чиқиш натижаларидан фойдаланилади.

2. МАЗКУР МЕТОДИКАДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Меҳнат ресурслари — меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган иқтисо-

дий фаолликнинг қуйи ва юқори ёш чегараларига кирмайдиган ишлаётган шахслар.

Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли — ишламаётган I ва II гуруҳ ногиронлари ва ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслардан ташқари меҳнатга қобилиятли ёшдаги шахслар (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаklar ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар).

Иш билан таъминланганлар — кўриб чиқиляётган даврда:

а) пул ёки натурада тақдирлаш учун ёлланиш бўйича ҳафтада камида 2 соат мобайнида иш бажарган шахслар, шунингдек ўз фаолияти учун тақдирланиш ёки даромад олиш муддатидан қатъи назар фойда ёки оилавий даромад олиш учун ёлланмаган тарзда иш бажарувчи шахслар;

б) касаллик ёки жароҳат, беморни парвариш қилиш туфайли; ҳар йиллик таътил ёки дам олиш кунлари; ўз иш жойидан ташқарида ўқиш; маъмуриятнинг ташаббуси билан иш ҳақи сақланган ёки сақланмаган ҳолдаги таътил ҳамда бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра ишда вақтинча бўлмаган шахслар;

в) ҳақ тўланмаган ҳолда оилавий корхонада ишларни бажарган шахслар.

Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган аҳоли — амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ расман ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказилган (меҳнат органлари томонидан ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иш билан таъминланиш даври ҳам шу жумлага киради) шахслар, шунингдек ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирувчи машғулотга (ёхуд ҳафтада 2 соатдан кам бўлган ҳақ тўланадиган), меҳнат органлари кўмагида ёки мустақил равишда фаол иш изловчи ва бундай иш таклиф этилса, ишга жойлашишга тайёр бўлган меҳнатга қобилиятли ёшдаги вақтинча иш билан таъминланмаган шахслар.

Иқтисодий фаол аҳоли (ишчи кучи) — меҳнат фаолиятининг даромад келтирувчи ҳар қандай тури билан шуғулланувчи шахслар, шунингдек ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган аҳоли. Иқтисодий фаол аҳоли ҳам фуқаролардан бўлган иқтисодий фаол аҳолини, ҳам Куролли кучларда хизматни ўтаётган шахсларни қамраб олади.

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли — ишчи кучи таркибига кирмайдиган меҳнатга қобилиятли:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ўқув юртларининг (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, техникумлар, олий ўқув юртлари, курслар, шунингдек кундузги аспирантура ва докторантуралар ҳам шу жумлага киради) ўқувчилари ва талабалари, тингловчилари ва курсантлари;

ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ишлашни хоҳламайдиган III гуруҳ ногиронлари;

агар бундай иш уларга таклиф этиладиган бўлса даромад келтирувчи ишга киришни хоҳламайдиган ёки бундай имконияти бўлмаган рўзгорни юритиш, болаларни парвариш қилиш, касал қариндошларга қараш билан банд бўлган шахслар;

ихтиёрий равишда ишлашни хоҳламайдиган иш билан таъминланмаган шахслар, шунингдек ишлашни хоҳлайдиган, бироқ ишга жойлашиш ёки ўзини мустақил даромад билан таъминлаш учун ҳеч бир ҳаракат қилмайдиган шахслар.

Меҳнат ресурслари баланси — меҳнат ресурслари мавжудлигини ва уларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланишини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими.

Меҳнат ресурслари ҳисобот ва прогноз баланси сифатида тавсифланади.

Меҳнат ресурсларининг ҳисобот баланси — меҳнат ресурсларининг амалдаги кўрсаткичлари ва уларнинг ҳисобот даврида (йилда) тақсимланиши, шунингдек ҳисобот йилида ўтказилган ишчи кучини ўрганиб чиқиш натижалари асосида ишлаб чиқилади.

Меҳнат ресурсларининг прогноз баланси — меҳнат ресурслари прогнози маълумотлари ва уларнинг прогноз қилинаётган даврда (қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узоқ муддатли даврлар) тақсимланиши бўйича тузилади.

(Меҳнат ресурслари баланси кўрсаткичларини ҳисоблаш схемаси мазкур Методикага 1-иловада берилган).

3. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ҲИСОБОТ БАЛАНСИНИ ТУЗИШ

Меҳнат ресурсларининг ҳисобот баланси мазкур Методикага 2-иловада кўрсатилган шаклга мувофиқ шаҳар ва қишлоқ жойларга тақсимлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ҳар бир йил яқунларига кўра тузилади.

Ҳисобот баланси куйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

3.1. Меҳнат ресурслари сони

Мазкур миқдор меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони ва меҳнатга қобилиятли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишловчилар сони йиғиндиси сифатида аниқланади:

$$MP = MҚА + ИЎП,$$

бунда: MP — меҳнат ресурслари;
 $MҚА$ — меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли;
 $ИЎП$ — ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.

$MҚА$ сони меҳнат ёшидаги аҳоли (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар) сонидан меҳнатга қобилиятли ёшдаги ҳар иккала жинсдаги I ва II гуруҳ ногиронлар сони чиқариб ташланган ҳолда аниқланади:

$$MҚА = Э_{(16-60)} + X_{(16-55)} - H_{ор},$$

бунда: $Э_{(16-60)}$ — 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар;
 $X_{(16-55)}$ — 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар;

$H_{ор}$ — меҳнатга қобилиятли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ҳамда 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар).

Ахборот олиш манбалари:

$\mathcal{E}_{(16-60)}$, $X_{(16-55)}$ буйича — аҳолининг жинсий ёш таркиби тўғрисидаги статистика маълумотлари;

H_{oz} буйича — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнатга қобилиятли ёшдаги ногиронлар сони тўғрисидаги маълумотлари;

ИУП буйича — корхоналарнинг ишлаётган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ва пенсионерлар тўғрисидаги статистика маълумотлари.

3.2. Иқтисодий фаол аҳоли сони

Мазкур миқдор куйидаги формула буйича аниқланади:

$$ИФ = ИТ + ИМ,$$

бунда: ИФ — аҳолининг иқтисодий фаол қисми;

ИТ — иш билан таъминланганлар;

ИМ — ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган иш билан таъминланмаган шахслар.

3.2.1. Иш билан таъминланганлар сони

Ҳисобот даврида иш билан таъминланганлар сони куйидаги формула буйича ҳисоблаб чиқилади:

$$ИТ = ИТ_p + ИТ_{дх} + ИТ_{нр},$$

бунда: $ИТ_p$ — иқтисодиётнинг расмий секторида ишловчилар, шу жумладан юридик шахсни ташкил этмасдан фаолиятни амалга оширувчи рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлар;

$ИТ_{дх}$ — деҳқон хўжаликларида ишловчилар;

$ИТ_{нр}$ — иқтисодиётнинг норасмий секторида ишловчилар;

Ахборот олиш манбаи:

$ИТ_p$ буйича — корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат буйича статистика ҳисоботлари, солиқ органларининг маълумотлари;

ИТ_{dx} бўйича — статистика маълумотлари ва иш кучини ўрганиб чиқиш натижалари;

ИТ_{kr} бўйича — иш кучини ўрганиб чиқиш маълумотлари.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан таъминланганлар сонини аниқлаш

Иқтисодиётнинг норасмий секторида ишловчиларга расмий статистикада ҳисобга олинмаган ёлланиб доимий, вақтинчалик, бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчи, шу жумладан ушбу ишларни амалга ошириш учун республика ташқарисига чиқувчи шахслар; ўз бизнесини юритувчи шахслар; шериклар билан ёлланмаган ҳолда ишловчи шахслар; тақиқланмаган, бироқ рўйхатдан ўтказилмаган фаолиятдан иш ҳақи ёки даромад олувчи шахслар (масалан, мол боқиш ва етиштириш билан шуғулланувчилар, деҳқон бозорлари ва чакана бозорларда харидорлар ва сотувчиларга хизмат кўрсатувчи шахслар, турғун бўлмаган савдо жойларида савдо билан, хусусий киракашлик қилувчи ва фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланувчилар).

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан таъминланган шахслар сони Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан махсус ишлаб чиқилган саволнома бўйича ҳар чоракда амалга ошириладиган иш кучини ўрганиб чиқиш асосида аниқланади.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан таъминланган аҳоли сонини аниқлаш учун ишчи кучини танлаб ўрганиб чиқиш маълумотлари асосида:

а) Иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг тегишли турлари билан шуғулланувчи шахслар сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўраб чиқилганларнинг умумий сонига салмоғи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$СЧС_i = СС_i : СС \times 100$$

бунда: СЧС — иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури (i) билан шуғулланувчи сўраб чиқилганлар салмоғи;

СС_i — иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури билан шуғулланувчи сўраб чиқилганлар сони;

СС — меҳнатга лаёқатли ёшдаги суралганлар сони, ҳаммаси.

б) Олинган салмоқ бўйича иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури билан шуғулланувчи аҳоли сонининг ҳисоб-китоби қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ИТНР}_i = \text{МҚА} \times \text{СЧС}_i : 100$$

бунда: ИТНР_i — иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури (i) билан шуғулланувчилар сони;
 МҚА — меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони.

Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони тўғрисида ахборот олиш манбаи — аҳолининг жинсий ва ёши таркиби тўғрисидаги статистика ҳисоботи маълумотлари.

в) Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан таъминланганларнинг умумий сонини аниқлаш учун фаолиятнинг ҳар бир аниқ тури бўйича ИТНР тўғрисидаги маълумотлар жамланади:

$$\text{ИТНР} = \sum \text{ИТНР}_i$$

бунда: ИТНР — иқтисодиётнинг норасмий секторида таъминланганлар сони, ҳаммаси.

Иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий фаолият турлари бўйича иш билан таъминланган аҳолининг тақсимланиши

Иш билан таъминланган аҳоли мазкур Методикага мувофиқ тармоқлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланади.

Иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий фаолият турлари амалдаги миллий классификаторларга мувофиқ таснифланади.

Ахборот олиш манбаи: статистика ҳисоботи, ишчи кучини ўрганиб чиқиш маълумотлари.

3.2.2. Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар сонини аниқлаш

Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар сонига меҳнат органлари томонидан ишсизлик мақоми (ИМБ) берилган; меҳнат органларида иш изловчи сифатида рўйхатдан ўтказилган (ИИ); меҳнат органларига мурожаат қилмасдан мустақил равишда иш изловчилар (ИИ_х) киради.

Ахборот олиш манбаи:

ИМБ ва ИИ — меҳнат органларининг ҳисобот маълумотлари. ИИ сонини аниқлаш учун баланс тузиш пайтида меҳнат органларида ҳисобда турган шахслар сонидан шу пайтда расман ишсиз мақоми берилган шахслар сони, шу жумладан меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича жамонат ишларида банд бўлган ва меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касб-кор тайёргарлигидан ўтаётган, қайта ўқиётган ва малака ошираётган ишсизлик нафақаси олувчи шахслар сони чиқариб ташланади;

ИИ_х — ишчи кучини ўрганиб чиқиш маълумотлари.

Мустақил равишда иш излаётган шахслар сонини ҳисоблаб чиқиш учун

а) иш кучини ўрганиб чиқиш натижалари бўйича ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган аҳоли сони аниқланади:

$$\text{ИМС} = (\text{ИББ}_y - \text{ИФБ}_y) : \text{СС} \times 100,$$

бунда: ИМС — ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар салмоғи;

ИББ_y — ишчи кучини ўрганиб чиқиш натижасида аниқланган иш билан таъминланмаган шахслар сони, ҳаммаси;

ИФБ_y — иш кучини ўрганиб чиқиш натижасида аниқланган иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли;

СС — иш кучини ўрганиб чиқиш давомида сўраб чиқилганлар сони.

Ахборот олиш манбаи — ишчи кучини ўрганиб чиқиш.

б) Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахсларнинг умумий сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$ИМ = МҚА \times ИМС : 100,$$

бунда: ИМ — ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар сони;

МҚА — меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони;

ИМС — ишчи кучини ўрганиб чиқишда ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар салмоғи.

в) Мустақил равишда (меҳнат органларига мурожаат қилмасдан) иш излаётган шахслар сони ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар сони билан иш изловчи сифатида меҳнат органларида рўйхатдан ўтказилган ва расмий ишсиз мақомига эга бўлган шахслар сони ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

$$ИИ_x = ИМ - ИИ - ИМБ$$

бунда: ИИ_x — мустақил равишда иш излаётганлар;

ИМ — ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар;

ИИ — меҳнат органларида иш изловчи сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар;

ИМБ — расман рўйхатдан ўтказилган ишсизлар.

3.3. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$ИФБ = \check{Y} + ХҚ + ИПН + ИХ,$$

бунда: ИФБ — иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли;

\check{Y} — 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётганлар (ўқишнинг кундузги шаклида), умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, курслар, олий ўқув юрт-

лари ва бошқа ўқув юртларининг ўқувчилари ва талабалари ҳам шу жумлага киради;

ХҚ — ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган, бола 3 ёшга тўлгунгача уни парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар, шунингдек бола 2 ёшга тўлгунча уни парвариш қилувчи ишламайдиган оналар;

ИПН — ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олувчи меҳнатга қобилиятли ёшдаги ишламайдиган шахслар, I ва II гуруҳ ногиронлари.

ИХ — ихтиёрий равишда иш билан таъминланмаган, ишлашни истамайдиган ёки ишга кириш имкониятига эга бўлмаган шахслар, шу жумладан III гуруҳ ногиронлари.

Ахборот олиш манбалари:

Ў бўйича — статистика ҳисоботи;

ХҚ бўйича — статистика ҳисоботи, ишчи кучини ўрганиб чиқиш маълумотлари;

ИПН бўйича — статистика ҳисоботи маълумотлари;

ИХ бўйича — ишчи кучини ўрганиб чиқиш маълумотлари.

4. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ПРОГНОЗ БАЛАНСИНИ ТУЗИШ

Меҳнат ресурсларининг прогноз баланси ҳисобот баланси кўрсаткичларини, меҳнат ресурслари ўсиши истиқболларини, уларнинг тармоқлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланишини, шунингдек ишга жойлаштириладиган аҳоли сонини ҳисобга олган ҳолда тузилади.


Меҳнат ресурслари баланси прогнози меҳнат ресурслари ҳисобот балансини тузиш учун назарда тутилган тартибга мувофиқ прогноз ҳисоб-китоблари маълумотлари бўйича ишлаб чиқилади.

Ишчи кучини ўрганиб чиқиш натижалари бўйича олинган маълумотлардан шунингдек ишга жойлаштириладиган меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони ўсишини аниқлашда ҳам фойдаланилади. Бунинг учун меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳолининг прогноз қилинадиган ўси-


ши ишлашни хоҳламайдиган ёки ишга кириш имконияти бўлмаган шахслар, шунингдек норасмий секторда иш билан таъминланган шахслар сони миқдорига қараб ўзгартирилади (камайтирилади).

Меҳнат ресурсларининг ҳисобот ва прогноз баланслари ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар сони асосида меҳнат ресурсларининг иш билан таъминланганлиги ва ишсизлик даражаси аниқланади, аҳолининг иш билан оқилона таъминланганлигини ва унинг даромадларини оширишни таъминловчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСИ



КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ СХЕМАСИ



Meҳnat ресурсларининг сони (1) статистика маълумотлари-га кўра ҳисобланади: иш билан таъминланганлар сони (2) — статистика ҳисоботи ва ишчи кучини ўрганиб чиқиш натижалари бўйича; ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар (3) — меҳnat органларининг статистика маълумотлари ва ишчи кучини ўрганиб чиқиш натижалари бўйича; меҳnatга қобилиятли иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли (4) — статистика маълумотлари ва ишчи кучини ўрганиб чиқиш натижалари бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСИ

Т/р	Кўрсаткичлар	жами	шаҳарда	қишлоқ жойларда
1	2	3	4	5
1.	I. ЖАМИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ шу жумладан:			
2.	меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли			
3.	иқтисодиётда банд бўлган катта ёшдаги шахслар ва ўсмирлар II. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ			
4.	II.1. Иқтисодий фаол аҳоли			
5.	II.1.1. Жами иш билан таъминланганлар шу жумладан:			
6.	а) расмий секторда улардан:			
7.	саноатда			
8.	қишлоқ ва ўрмон хўжалигида (деҳқон хўжаликларисиз)			
9.	қурилишда			
10.	транспорт ва алоқада			
11.	савдо, умумий овқатланишда			
12.	моддий-техника таъминоти ва сотишда, тайёрловда			
13.	уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг ноншлаб чиқариш турларида			
14.	соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминотда			
15.	маориф, фан ва илмий хизматлар кўрсатиш, маданият ва санъатда			

1	2	3	4	5
16.	молия, кредитлаш ва суғурта соҳасида			
17.	давлат ва хужалик бошқаруви органларида			
18.	моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида			
19.	деҳқон хужаликларида			
20.	юримдик шахс ташкил этмасдан руйхатга олинган тadbиркорлик фаолиятида			
21.	иш билан таъминланган аҳолининг бошқа тоифалари (дин хизматчилари, ҳарбий хизматчилар)			
22.	б) норасмий секторда улардан:			
23.	вақтинчалик бир марталик ишларни бажарувчилар			
24.	руйхатдан утмасдан ишлаётган хусусий тadbиркорлар			
25.	тadbиркорларга кумаклашувчилар			
26.	П.1.2. Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар улардан:			
27.	расмий руйхатга олинган ишсизлар			
28.	меҳнат органларида иш қидираётган сифатида руйхатга олинганлар			
29.	ишсизлар сифатида руйхатга олинмасдан мустақил равишда иш қидираётганлар			
30.	П. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли шу жумладан:			
31.	ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган шахслар			

1	2	3	4	5
32.	ёши бўйича имтиёзли шартларда пенсия олаётган шахслар, ногиронлар			
33.	кўп болали оналар, боласи 3 ёшга тулгунга қадар парвариш қилиб ишламаётган аёллар			
34.	ихтиёрий равишда ишламаётган ва ишлашни хоҳламайдиган бошқа шахслар, шу жумладан уй бекалари			

ТАСДИҚЛАЙМАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУХОФАЗА
ҚИЛИШ ВАЗИРИ
О. О. ОБИДОВ

ТАСДИҚЛАЙМАН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРИ
С. С. ҒУЛОМОВ

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ
БАЛАНСИНИ ТУЗИШ ВА ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШГА МУҲТОЖ
ШАҲСЛАРНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

*(Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим
муассасаларида ўқитиш учун)*

КИРИШ

Жаҳон тажрибасидан маълумки, бозор муносабатлари шароитида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш муаммолари кескинлашади. Бу муаммолар айниқса ортиқча ишчи кучини бўшатиш ва фаол иш қидирувчи аҳолининг кўпайишига олиб келувчи таркибий ўзгаришларни амалга ошираётган ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида долзарбдир.

Аҳолиси 25 миллион киши бўлган Ўзбекистон Республикаси йирик меҳнат салоҳиятига эга. Меҳнат ресурслари мамлакат аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил қилади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, нафақат барча хоҳловчиларни иш билан таъминлаш, балки шу билан бирга оқилона, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни шакллантириш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида мукамал меҳнат бозорини қарор топтириш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни тўла ҳисобга олиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда¹.

Бу масалаларни ҳал қилишда меҳнат ресурсларини шакллантириш ва тақсимлашда ишга жойлаштириш бўйича амалдаги ҳақиқий эҳтиёжни аниқлаш имконини берувчи баланс усулини қўллаш орқали аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олишни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 ян-

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1995. 100—101-бетлар. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. 254—255-бетлар.

варда “Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 42-сонли қарори қабул қилинган. Унда олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш методикасини ўрганиш кўзда тутилган.

Мазкур қарорга биноан ишлаб чиқилган ушбу ўқув-методик қўлланма меҳнат ресурсларини, иш билан таъминланганлик ва ишсизликни тавсифловчи кўрсаткичлар, атамалар ва тушунчалар тизимини, меҳнат ресурслари балансини тузиш тартиби ва услубий ёндошувларини ўз ичига олган.

Ўқув-методик қўлланмани тайёрлашда республика хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ХМТ (Халқаро Меҳнат Ташкилоти) меъёр ва тавсияларидан фойдаланилган, қўлланмада методикани ўзлаштиришда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Қўлланма олий ўқув юртлари талабаларига, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларига мўлжалланган. У касбга қайта ўқитиш ва малака оширишнинг турли дастурларида, шунингдек меҳнат иқтисоди ва статистикаси соҳаси мутахассислари амалий иш фаолиятида қўлланилиши мумкин.

Ушбу қўлланма Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Статистика давлат департаменти мутахассислари томонидан тайёрланган.


МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСИ

Меҳнат ресурслари баланси — меҳнат ресурслари мавжудлигини ва уларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланишини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими бўлиб, икки — ресурс ва тақсимот — қисмдан иборат.

Биринчи қисми меҳнат ресурсларининг мавжудлигини ва уларнинг шаклланиш манбаларини тавсифлайди. Ўкинчи қисми — меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаол, яъни иш билан таъминланганлар ҳамда ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган аҳоли-

ни, ва, жумладан, иқтисодий фаолиятни амалга ошираётганлар тоифасига кирмайдиган шахсларни ўз ичига олган иқтисодий фаол бўлмаган аҳолини тавсифлайди. Схема тарзида буни қуйидагича кўриш мумкин:

Меҳнат ресурслари ҳисобот ва прогноз баланси сифатида тавсифланади.



Меҳнат ресурслари балансини тузишда ахборот бази-си сифатида Статистика давлат департаментининг ста-тистика маълумотларидан ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирли-ги томонидан ўтказиладиган иш билан таъминлаш маса-лалари бўйича ишчи кучини ўрганиб чиқиш натижаларидан фойдаланилади.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСИДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН АСОСИЙ АТАМАЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

Меҳнат ресурслари — бу аҳолининг меҳнатга қобили-ятли қисми. Улар жумласига иқтисодий фаол аҳоли бил-лан бирга айна пайтда ишламайдиган ва меҳнатга қоби-лиятли ёшдаги иш қидирмаётган, жумладан ишлаб чи-

қаришдан ажралган ҳолда ўқиётган меҳнатга қобилиятли шахслар тоифалари ҳам киради.

Меҳнат ресурслари шаклланишининг манбалари қуйидагилар:

- **Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли** — миллий қонунчиликда қабул қилинган ёш чегараларидаги шахслар, яъни ишламаётган 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари ва ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслардан ташқари меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда меҳнатга қобилиятли ёшнинг қуйи чегараси 16 ёш ҳисобланади. Меҳнатга қобилият ёшининг юқори чегараси ёши бўйича пенсия олиш ҳуқуқи билан белгиланади — эркаклар учун 60 ёш ва аёллар учун 55 ёшни ташкил қилади.
- **Иқтисодиётда банд бўлган катта ёшдаги шахслар ва ўсмирлар** (меҳнатга қобилият ёшига етмаган шахслар).

Иқтисодий фаол аҳоли (ишчи кучи) — аҳолининг товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ишчи кучи тақлифини таъминлайдиган қисми. Иқтисодий фаол аҳоли сони иш билан таъминланганларни ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни қамраб олади.

Иш билан таъминланганлар жумласига қуйидагилар киради: а) пул ёки натурада тақдирлаш учун ёлланиш бўйича ҳафтада камида 2 соат мобайнида иш бажарган шахслар, шунингдек ўз фаолияти учун тақдирлаш ёки даромад олиш муддатидан қатъи назар фойда ёки оилавий даромад олиш учун ёлланмаган тарзда иш бажарувчи шахслар; б) касаллик ёки жароҳат, беморни парвариш қилиш туфайли; ҳар йиллик таътил ёки дам олиш кунлари; ўз иш жойидан ташқарида ўқиш; маъмуриятнинг ташаббуси билан иш ҳақи сақланган ёки сақланмаган ҳолдаги таътил ҳамда бошқа шунга ўхшаш сабабларга кўра ишда вақтинча бўлмаган шахслар; в) ҳақ тўланмаган ҳолда оилавий корхонада ишларни бажарган шахслар.

Таърифдан кўриниб турибдики, иш билан таъминланганлик фақат корхонада ишлаш билан чекланмайди (бундай қараш ҳамон мавжуд). Бозор муносабатлари концепциясига, халқаро стандартларга, миллий қонунчиликка

кўра иш билан таъминланганлик — бу фуқароларнинг уларга меҳнат ҳақи (даромад) келтирувчи, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган фаолиятидир.¹ Шунинг таъкидлаш жоизки, ўзининг меҳнат қобилиятини тасарруф этиш, ишлаш ёки ишламаслик ҳуқуқи, жинси, миллати ва бирон-бир бошқа белгисига кўра доимий, қисман, вақтинчалик, шу жумладан ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлмаган меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир. Меҳнатга мажбур қилишга (қонунчилик томонидан алоҳида белгиланган ҳоллардан ташқари) йўл қўйилмайди. Ўз хоҳишига кўра ишламаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Меҳнат ресурслари балансини тузишда иш билан таъминланган аҳолининг барча тоифаларини тўлалигича қамраб олиш катта аҳамиятга эга. Ёлланиб ишловчилар ҳам, машғулоти доимий, вақтинчалик, мавсумий, тасодифий ёки бир марталик бўлишидан қатъи назар ёлланмасдан ишловчилар ҳам иқтисодиётда иш билан банд деб ҳисобланади.

Ёлланиб ишловчилар — иш билан таъминланганларнинг энг катта қисми бўлиб, ҳар қандай корхона (ташкilot, муассаса) раҳбари ёки алоҳида шахс билан пул ёки натура ҳолида меҳнатга ҳақ олиш мақсадида фаолият кўрсатиш учун яратиладиган меҳнат шароитлари тўғрисида меҳнат шартномаси, контракти тузган ёки оғзаки келишган шахслар.

Ёлланмасдан ишловчилар — қуйидаги шахслардан иборат: 1) ходимларни доимий ёлланмасдан, яқка тартибда мустақил ишловчилар; 2) иш берувчилар, улар жумласига фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ҳам киради; 3) оилавий корхоналарнинг ҳақ тўланмайдиган ходимлари; 4) жамоа мулкчилигига асосланган корхоналар аъзолари (кооперативлар, ширкатлар сингари).

Иқтисодиётда иш билан таъминланганлар орасида норасмий секторда ишловчилар алоҳида ўринни эгаллашади. Норасмий сектор аҳоли даромадларининг шаклланишида, иш билан таъминланишда ва ишсизликнинг ол-

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги (янги таҳрирда)” Қонуни. (1998 йил 1 майда қабул қилинган.)

дини олишда муҳим аҳамиятга эга. Норасмий секторга мустақил ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган ишлаб чиқариш бирликлари (уй хўжаликлари ёки нокорпоратив корхоналар) мажмуаси деб қараш керак. Норасмий секторда иш билан таъминланганлар жумласига муайян вақт оралигида норасмий секторнинг камида битта бирлигида ишлаганлар киради. Норасмий секторда иш билан таъминланганликнинг асосий хусусияти расман рўйхатдан ўтишнинг йўқлигидир. Норасмий секторда иш билан таъминланганларга, масалан, рўйхатдан ўтмасдан: кўча савдо-сида машғул шахслар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб ишловчилар (кийим-кечак тикиш ва таъмирлаш ва ҳоказо), шунингдек яққа тадбиркорлик ва хунармандчиликнинг бошқа турларида ишловчилар киради.

Меҳнат ресурслари балансининг яна бир муҳим кўрсаткичи — **ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган аҳоли**. Турли шахсларни бу тоифага кириш-кирмаслиги қуйидаги мезонлар асосида аниқланади:

- иш жойига ёки даромад келтирувчи машғулотга эга эмаслик;
- меҳнат органларида рўйхатдан ўтиш орқали ёки ҳақ тўланадиган иш топиш мақсадида мустақил фаол иш қидириш (масалан, иш берувчиларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш орқали, эълонлар жойлаштириш, мустақил фаолият юритиш учун молиявий ресурслар, қурилмалар, жиҳозлар ва меҳнат қуроллари топишга ҳаракат қилиш ва бошқалар);
- ишга киришишга, яъни ёлланиш асосида ёки ўз корхонасида ишлашга тайёрлик.

Шу кўрсатиб ўтилган учта асосий мезонга кўра: **ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган аҳоли** амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ расман ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказилган (меҳнат органлари томонидан ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иш билан таъминланиш даври ҳам шу жумлага киради) шахслар, шунингдек ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирувчи машғулотга (ёхуд ҳафтада икки соатдан кам бўлган ҳақ тўланадиган) эга бўлмаган, меҳнат органлари кўмагида ёки мустақил равишда фаол иш изловчи ва бундай иш таклиф этилса, ишга жойлашишга

тайёр бўлган меҳнатга қобилиятли ёшдаги вақтинча иш билан таъминланмаган шахслар.

Ушбу тушунча ишсизликнинг халқаро стандарт тушунчасига мосдир. **Ишсизлик** — ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан ишчи кучи таклифи ва унга бўлган талабнинг номувофиқлигини акс эттирувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса. Ишсизликнинг турли кўринишлари бор. Унинг кўп тарқалган тури фриксион (жорий) ишсизликдир, чунки кучиш, контракт бўйича ишини тамомлаган ва бошқа сабабларга кўра иш жойини ўзгартирувчи кишилар оқими ҳар доим мавжуддир. Бу ҳолда иш қидириш муддати фриксион ишсизликка сабаб бўлади. Ишчи кучи касб-малака тавсифининг иш жойи талабларига мос келмаслиги оқибатида таркибий ишсизлик юзага келади. Ишсизликнинг бошқа бир тури — даврий ишсизлик — ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши, иқтисодий цикллар билан боғлиқ. Ходимларнинг ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ёки таркибий ўзгаришлар натижасида ортиқча бўлиб қолганига қарамасдан расман иш билан таъминланганлар қаторида қолаётган, маълум шароитларда ишдан бўшатилиши ва очиқ меҳнат бозорини тўлдириши ёхуд ишловчилар қаторига ўтиши мумкин бўлган қисми яширин ишсизликни тавсифлайди. Яширин ишсизликни аксарият ҳолларда табиий ва ҳатто кенгайиши мумкин бўлган тўлиқ бўлмаган ёки қисман иш билан таъминланганликдан фарқлаш зарур.

Асосий мақоми бўйича ишсизлар қаторига ҳам, иш билан таъминланганлар қаторига ҳам кирмайдиган шахслар иқтисодий фаол бўлмаган аҳолини ифодалайди. Улар ўқувчилар, уй бекалари, ишга киришишга имконияти бўлмаган шахслар, ўз хоҳишига кўра ишлашни хоҳламайдиган ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли — ишчи кучи таркибига кирмайдиган меҳнатга қобилиятли аҳоли. Унинг таркибига:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ўқув юртларининг (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, техникумлар, олий ўқув юртлари, курслар, шунингдек кундузги аспирантура ва докторантуралар ҳам шу жумлага киради) ўқувчилари ва талабалари, тингловчилари ва курсантлари;

даромад келтирувчи иш таклиф қилинганда унга киришиш имконияти бўлмаган рўзгорни юритиш, болаларни парвариш қилиш, касал қариндошларига қараш билан банд бўлганлар ва бошқа шахслар;

ихтиёрий равишда ишлашни хоҳламайдиган иш билан таъминланмаган шахслар, шунингдек ишлашни хоҳлайдиган, бироқ ишга жойлашиш ёки ўзини мустақил даромад билан таъминлаш учун ҳеч бир ҳаракат қилмайдиган шахслар киради.

Меҳнат ресурслари баланси меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат бозори иш билан таъминланганликни тартибга солишда фаол ўринга эга. Меҳнат бозорида корхоналар, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича бош миллий ресурс — ишчи кучи шаклланади ва тақсимланади.

Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, уни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилишни таъминлайди. У ходимнинг ўзига қулай бўлган иш жойига ўтишини осонлаштиради. Меҳнат бозори орқали корхоналарни зарур миқдор ва талаб қилинадиган сифатдаги ходимлар билан таъминлаш амалга оширилади. Меҳнат бозори қандай ходимлар, ихтисосликлар, касблар керак, уларнинг қайсилари ортиқча эканини кўрсатади. Меҳнат бозоридаги рақобатнинг мавжудлиги, бир томондан — ёлланиб ишловчилар касбий маҳоратининг ва малакасининг ўсиши ва кенгайишини рағбатлантирса, иккинчи томондан — иш берувчиларни қулай меҳнат шароитлари ва юқори даражада меҳнатга ҳақ тўлашга ундайди.

Меҳнат бозорининг асосий элементлари **ишчи кучи таклифи, ишчи кучига бўлган талаб** ва ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбати асосида шаклланувчи баҳо (иш ҳақи) ҳисобланади.

Меҳнат бозори қуйидаги тўртта асосий йўналиш бўйича ишчи кучи оқимларини тартибга солади:


биринчидан — иш билан таъминланганларнинг иш жойлари тугатилиши туфайли ишсизлар сафига ўтиши;

иккинчидан — ишсизларнинг ишга жойлашиш орқали иш билан бандлар тоифасига ўтиши;

учинчидан — иш қидиришни тўхтатиш орқали меҳнат бозоридан чиқиш ва иқтисодий фаол аҳоли сафидан иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли қаторига ўтиш;

туртинчидан — муқаддам ишламаганлар ёки ҳеч қачон иш қидирмаганларнинг иш ахтариш ва ишга жойлашиш орқали иқтисодий фаол аҳоли тоифасига ўтиши.

МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА УНИ ТАРТИБГА
СОЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСИНИ ТУЗИШ ВА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШГА МУҲТОЖ ШАХСЛАРНИ АНИҚЛАШ УЧУН АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлашда асосий ахборот манбалари бўлиб давлат статистикаси (меҳнат ва аҳоли бўйича статистика ҳисоботлари), маъмурий ҳисоботнинг турли шакллари (масалан, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ҳисоботлари, уй хўжаликлари, ишловчилар рўйхатлари), шунингдек, ишчи кучини иш билан таъминланганлик масалалари бўйича ўрганиб чиқиш маълумотлари хизмат қилади. Бу турли манбалар тавсифи ва ундаги мавжуд маълумотлар мазмуни, маълумотлар йиғиш шакл ва усуллари бўйича фарқланиши мумкин.

Ишчи кучини ўрганиб чиқиш — маълумотлар йиғишнинг энг қулай воситасидир. Унинг натижалари бўйича меҳнат ресурсларининг шаклланишини, иш билан таъминланганлар, ишсизлар, иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли сонини тавсифловчи маълумотларни олиш мумкин. Бундай ўрганиш усулида тушунчаларни, таърифларни ва саволларни зарур бўлганда ўзгартиш ёки батафсиллаштириш мумкин. Натижада аҳоли турли гуруҳларининг ишчи кучи таркибида қатнашиш шаклларини аниқлаш имкони юзага келади. Бундай қулайлик бу тадқиқотларнинг турли маълумотлар истеъмолчилари учун, халқаро таққослаш учун қулайлигини таъминлайди. Ишчи кучини ўрганиб чиқиш нафақат иш билан таъминланганларни, балки вақтинча ишламаётганларни ҳам қамраб олиши мумкин бўлганлиги учун меҳнат ресурслари ва уларнинг тақсимланиш таркиби тўғрисида тўлароқ маълумот олиш мумкин.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ҲИСОБОТ БАЛАНСИНИ ТУЗИШ

Меҳнат ресурсларининг ҳисобот баланси ҳар йил натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича шаҳар ва қишлоқ жойларига тақсимланган ҳолда ту-

зилади. Умумлаштирилган ҳолда уни қуйидаги жадвал кўринишида акс эттириш мумкин:

Кўрсаткичлар	жами	шаҳарда	қишлоқ жойларда
I. Жами меҳнат ресурслари			
шу жумладан:			
меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли			
ишлаётган пенсионерлар ва усмирлар			
II. Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши			
II.1. Иқтисодий фаол аҳоли			
жумладан:			
1. Иш билан таъминланганлар			
улардан			
расмий секторда			
норасмий секторда			
2. Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар			
улардан:			
расмий рўйхатга олинган ишсизлар			
меҳнат органларида иш қидираётган сифатида рўйхатга олинганлар			
ишсизлар сифатида рўйхатга олинмасдан мустақил равишда иш қидираётганлар			
II.2. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли			

Ҳисобот баланси қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

Меҳнат ресурслари сони

Мазкур миқдор меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони ва меҳнатга қобилиятли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишловчилар сони йиғиндиси сифатида аниқланади:

$$MP = MҚА + ИУП,$$

бунда: MP — меҳнат ресурслари;

$MҚА$ — меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли;

$ИУП$ — ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.

$MҚА$ сони меҳнат ёшидаги аҳоли (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар) сонидан меҳнатга қобилиятли ёшдаги ҳар иккала жинсдаги I ва II гуруҳ ногиронлар ва имтиёзли шартларда пенсия олувчи ишламайдиган пенсионерлар сони чиқариб ташланган ҳолда аниқланади:

$$MҚА = Э_{(16-60)} + X_{(16-55)} - Ног,$$

бунда: $Э_{(16-60)}$ — 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар;

$X_{(16-55)}$ — 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар;

$Ног$ — меҳнатга қобилиятли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ҳамда 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар) ва имтиёзли шартларда пенсия олувчи ишламайдиган пенсионерлар.

Ахборот олиш манбалари:

$Э_{(16-60)}$, $X_{(16-55)}$ буйича — аҳолининг ёш ва таркиби туғрисидаги статистика маълумотлари;

$Ног$ буйича — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнатга қобилиятли ёшдаги ногиронлар ва имтиёзли шартларда пенсия олувчи пенсионерлар сони туғрисидаги маълумотлари;

$ИУП$ буйича — корхоналарнинг ишлаётган 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ва пенсионерлар туғрисидаги статистика маълумотлари.

Иқтисодий фаол аҳоли сони

Мазкур миқдор қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$ИФ = ИТ + ИМ,$$

бунда: $ИФ$ — аҳолининг иқтисодий фаол қисми;

ИТ — иш билан таъминланганлик;

ИМ — ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган иш билан таъминланмаган шахслар.

Иш билан таъминланганлар сони

Ҳисобот даврида иш билан таъминланганлар сони куйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$ИТ = ИТ_p + ИТ_{дх} + ИТ_{нр},$$

бунда: $ИТ_p$ — иқтисодиётнинг расмий секторида ишловчилар (корхоналарда, ташкилотларда, муассасаларда);

$ИТ_{дх}$ — деҳқон хўжаликларида ишловчилар;

$ИТ_{нр}$ — иқтисодиётнинг норасмий секторида ишловчилар.

Ахборот олиш манбаи:

$ИТ_p$ бўйича — корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат бўйича статистика ҳисоботлари, солиқ органларининг маълумотлари;

$ИТ_{дх}$ бўйича — статистика маълумотлари ва иш кучини урганиб чиқиш натижалари;

$ИТ_{нр}$ бўйича — иш кучини урганиб чиқиш маълумотлари.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан таъминланганлар сонини аниқлаш

Иқтисодиётнинг норасмий секторида ишловчиларга расмий статистикада ҳисобга олинмаган ёлланиб доимий, вақтинчалик, бир марталик ва мавсумий ишларни бажарувчи, шу жумладан ушбу ишларни амалга ошириш учун республика ташқарисига чиқувчи шахслар; ўз бизнесини юритувчи шахслар; шериклар билан ёлланмаган ҳолда ишловчи шахслар; таъминланмаган, бироқ рўйхатдан ўтказилмаган фаолиятдан иш ҳақи ёки даромад олувчи шахслар (масалан, мол боқиш ва етиштириш билан шуғулланувчилар, деҳқон бозорлари ва чакана бозорларда харидорлар ва сотувчиларга хизмат кўрсатувчи шахслар, турғун бўлмаган савдо жойларида савдо билан, хусусий

киракашлик қилувчи ва фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғуланувчилар).

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан таъминланган шахслар сони Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан махсус ишлаб чиқилган саволнома бўйича ҳар чоракда амалга ошириладиган иш кучини ўрганиб чиқиш асосида аниқланади.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан таъминланган аҳоли сонини аниқлаш учун ишчи кучини танлаб ўрганиб чиқиш маълумотлари асосида:

а) Иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг тегишли турлари билан шуғуланувчи шахслар сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўраб чиқилганларнинг умумий сонидagi салмоғи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$СЧС_i = СС_i : СС \times 100$$

бунда: СЧС — иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури (i) билан шуғуланувчи сўраб чиқилганлар сони;

СС_i — иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури билан шуғуланувчи сўраб чиқилганлар сони;

СС — меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўралганлар сони, ҳаммаси.

б) Олинган салмоқ бўйича иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури билан шуғуланувчи аҳоли сонининг ҳисоб-китоби қуйидаги формула билан аниқланади:

$$ИТНР_i = МҚА \times СЧС_i : 100$$

бунда: ИТНР_i — иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ тури (i) билан шуғуланувчилар сони;

МҚА — меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони.

Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони тўғрисида ахборот олиш манбаи — аҳолининг жинсий ва ёши таркиби тўғрисидаги статистика ҳисоботи маълумотлари.

в) Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан таъминланганларнинг умумий сонини аниқлаш учун фаолиятнинг ҳар бир аниқ тури бўйича ИТНР тўғрисидаги маълумотлар жамланади:

$$\text{ИТНР} = \Sigma \text{ИТНР}_i$$

бунда: ИТНР – иқтисодиётнинг норасмий секторида таъминланганлар сони, ҳаммаси.

Иш билан таъминланган аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

Иш билан таъминланган аҳоли сони меҳнат ресурслари балансида амалдаги миллий таснифлагичларга асосан иқтисодиёт тармоқлари (иқтисодий фаолият турлари) бўйича тақсимланади. Унда:

- саноат
- қишлоқ хўжалиги
- қурилиш
- транспорт ва алоқа
- савдо ва умумий овқатланиш
- моддий-техник таъминот, топшириш ва тайёрлов
- моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари
- уй-жой-коммунал хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш
- таълим, фан, маданият, санъат
- ноишлаб чиқариш соҳаларининг бошқа тармоқлари кўрсатилади.

Бу аҳолининг иқтисодий фаоллигини, меҳнат ресурсларининг фаолият турлари бўйича тақсимланиш нисбатларини баҳолаш орқали иш билан таъминланганликни давлат томонидан тартибга солиш бўйича зарур тадбирлар белгилаш имконини беради.

Ахборот олиш манбаи: *статистик ҳисобот, ишчи кучини ўрганиш маълумотлари.*

Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар сонини аниқлаш

Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар сонига меҳнат органлари томонидан иш-

сизлик мақоми (ИМБ) берилган; меҳнат органларида иш изловчи сифатида рўйхатдан ўтказилган (ИИ); меҳнат органларига мурожаат қилмасдан мустақил равишда иш изловчилар (ИИ_у) киради.

Ахборот олиш манбаи:

ИМБ ва ИИ — меҳнат органларининг ҳисобот маълумотлари.

ИИм — ишчи кучини ўрганиб чиқиш маълумотлари.

ИИ сонини аниқлаш учун баланс тузиш пайтида меҳнат органларида ҳисобда турган шахслар сонидан шу пайтда расман ишсиз мақоми берилган шахслар сони, шу жумладан меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича жамоат ишларида банд бўлган ва меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касб-кор тайёргарлигидан ўтаётган, қайта ўқитилаётган ва малака ошираётган ишсизлик нафақаси олувчи шахслар сони чиқариб ташланади.

Мустақил равишда иш излаётган шахслар сонини ҳисоблаш учун:

1) иш кучини ўрганиб чиқиш натижалари бўйича ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган аҳоли сони аниқланади:

$$\text{ИМС} = (\text{ИББ}_у - \text{ИФБ}_у) : \text{СС} \times 100,$$

бунда: ИМС — ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар салмоғи;

$\text{ИББ}_у$ — ишчи кучини ўрганиб чиқиш натижасида аниқланган иш билан таъминланмаган шахслар сони, ҳаммаси;

$\text{ИФБ}_у$ — ишчи кучини ўрганиб чиқиш натижасида аниқланган иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли;

СС — иш кучини ўрганиб чиқиш давомида сўраб чиқилганлар сони.

2) ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахсларнинг умумий сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ИМ} = \text{МҚА} \times \text{ИМС} : 100,$$

бунда: ИМ — ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар сони;

МҚА — меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони;

ИМС — ишчи кучини ўрганиб чиқишда ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар салмоғи.

3) мустақил равишда (меҳнат органларига мурожаат қилмасдан) иш излаётган шахслар сони ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар сони билан иш изловчилар сифатида меҳнат органларида рўйхатдан ўтказилган ва расмий ишсиз мақомига эга бўлган шахслар сони ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

$$ИИ_x = ИМ - ИИ - ИМБ$$

ИИ_x — мустақил равишда иш излаётганлар;

ИМ — ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар;

ИИ — меҳнат органларида иш изловчи сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар;

ИМБ — расман рўйхатдан ўтказилган ишсизлар.

Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли

Меҳнат ресурсларининг балансида тақсимланиш схемасига кўра иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли меҳнат ресурслари ва иқтисодий фаол аҳоли сони орасидаги фарққа тенг:

$$ИФБ = МР - ИФ$$

бунда, ИФБ — иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли;

МР — меҳнат ресурслари сони;

ИФ — меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаол қисми.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ ПРОГНОЗ БАЛАНСИНИ ТУЗИШ

Меҳнат ресурсларининг прогноз баланси ҳисобот баланси курсаткичлари, меҳнат ресурсларининг ўсиш ис-

тиқболларини, уларнинг тармоқлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланишини, ишга жойлаштириладиган аҳоли сонини, шунингдек мамлакат ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози, илмий-техник тараққиёт ютуқларини жорий қилиш кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Ишга жойлаштириш зарур бўлган меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли ўсишини аниқлашда ишчи кучини ўрғаниб чиқиш маълумотларидан фойдаланилади. Бунинг учун меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳолининг прогноз қилинаётган ўсиши ишлашни хоҳламайдиган ёки ишга киришиш имкониятига эга бўлмаган шахслар ва норасмий секторда иш билан таъминланганлар миқдорини ҳисобга олиб ўзгартирилади.

Меҳнат ресурслари баланси прогнози меҳнат ресурслари ҳисобот балансини тузиш учун назарда тутилган тартибга мувофиқ прогноз ҳисоб-китоблари маълумотлари бўйича ишлаб чиқилади.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСИ ВА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШГА МУҲТОЖ ШАХСЛАР СОНИ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Меҳнат ресурслари ҳисобот ва прогноз баланслари ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар сони маълумотлари асосида меҳнат ресурсларининг иш билан таъминланганлиги ва ишсизлик даражалари аниқланади, иш билан таъминлаш ва аҳоли даромадларини оширишни давлат томонидан тартибга солиш тадбирлари белгиланади.

Меҳнат ресурсларининг иш билан таъминланганлик даражаси фоизларда қуйидаги формулага кўра ҳисобланади:

$$ИТ_d = (ИТ : ИФ) \times 100,$$

бунда, ИТ — иш билан таъминланганлик даражаси

ИТ — иш билан таъминланганлар сони;

ИФ — меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаол қисми.

Иш билан таъминланишга муҳтож шахслар салмоғи (ёки ишсизликнинг умумий даражаси) қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{ИМС} = (\text{ИМ} : \text{ИФ}) \times 100,$$

бунда, ИМС — ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар салмоғи;

ИМ — ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар;

ИФ — меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаол қисми.

Олинган маълумотлар, шунингдек меҳнат ресурслари баланси ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар сони маълумотлари, уларнинг турли даврлар давомидаги ўзгаришлар таҳлили меҳнат ресурслари миқдори ва таркибига, меҳнат бозори ва иш билан таъминланганлик соҳаларидаги жорий ва прогноз қилинаётган ўзгаришлар ва тенденцияларга баҳо беришни асослайди.

Бу, шунингдек, иқтисодиёт ривожланишининг бошқа масалалари билан биргаликда қўрилаётган иш билан таъминланганлик ва ишсизлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар макроиқтисодий сиёсатни ва меҳнат бозоридаги сиёсатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли, иш билан таъминланганлар ва ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаганлар тўғрисидаги маълумотлар иш билан таъминланишни кенгайтириш ва рағбатлантиришга йўналтирилган сиёсатни ишлаб чиқишда жиддий аҳамиятга эга. Аҳолининг алоҳида гуруҳлари, ҳудудлар, тармоқлар бўйича, шунингдек ишчи кучини ўрганиб чиқишдан олинган маълумотлар аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнат бозорини тартибга солиш сиёсатининг ижтимоий оқибатларини баҳолаш учун қимматли ахборот беради.

Иш билан таъминланиш аҳолининг аксарият қисми учун асосий даромад манбаи бўлгани учун меҳнат ресурслари баланси, жумладан ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар тўғрисидаги маълумотлар аҳоли даромадларини

ошириш, камбағалликни камайтиришда муҳим ўринни эгаллайди.

Меҳнат ресурслари баланси ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар сони маълумотлари турли таҳлил мақсадларида ҳам, масалан, меҳнат ресурсларининг шаклланиш омилларини, уларнинг иш билан таъминланганлигини ва ишсизлигини аниқлашда, шунингдек жамоатчиликка меҳнат бозори ҳолати ва иш билан таъминланганлик, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги ва жойлаштирилиши тўғрисида маълумот беришда ишлатилиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (янги тахрирда) Қонуни (1998 йил 1 майда қабул қилинган).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги «Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.

Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси: олий ўқув юртларининг иқтисодиёт соҳаси бўйича талабалари учун дарслик. / Муаллифлар жамоаси. Т.; «Ўқитувчи», 2001.

Современные международные рекомендации по статистике труда / Международная Организация Труда: Перевод с английского. М.: АО «Финстатинформ», 1994.

Хуссманнс Р., Мехран Ф., Верма В. Обследования экономически активного населения: занятость, безработица и неполная занятость: Методологическое руководство МБТ: Перевод с английского. В 2-х книгах. М.: АО «Финстатинформ», 1994.

Key indicators of the Labour Market 2001—2002. Geneva, ILO, 2002.

МУНДАРИЖА

Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш методикаси	3
Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш бўйича ўқув-методик қўлланма	21
Кириш	23
Меҳнат ресурслари баланси	24
Меҳнат ресурслари балансида фойдаланиладиган асосий атамалар ва тушунчалар	25
Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш учун ахборот манбалари	33
Меҳнат ресурслари ҳисобот балансини тузиш	33
Меҳнат ресурслари сони	34
Иқтисодий фаол аҳоли сони	35
Иш билан таъминланганлар сони	36
Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан таъминланганлар сонини аниқлаш	36
Иш билан таъминланган аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши	38
Ишга жойлаштиришга муҳтож иш билан таъминланмаган шахслар сонини аниқлаш	38
Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли	40
Меҳнат ресурсларининг прогноз балансини тузиш	40
Меҳнат ресурслари баланси ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар сони маълумотларидан фойдаланиш	41
Фойдаланилган адабиётлар	44

**МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БАЛАНСНИН И ТУЗИШ ВА ИШГА
ЖОЙЛАШТИРИШГА МУҲТОЖ ШАХСЛАРНИ
АНИҚЛАШ МЕТОДИКАСИ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК
ҚЎЛЛАНМАСИ**

«Ўзбекистон» нашриёти, 2002. 700129. Тошкент, Навоий, 30.

Муҳаррир К. Буронов

Бадий муҳаррир Т. Қаноатов

Техник муҳаррир У. Ким

Мусахҳиҳ М. Раҳимбекова

Компьютерда тайёрловчи К. Голдобина

Теришга берилди 20.03.2002. Босишга рухсат этилди 2.04.2002. Бичими 84×108^{1/32}. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма т. 2,52. Нашр т. 2,05. 2000 нусхада чоп этилди. Буюртма № 26.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кучаси, 30. Нашр № 67—2002.

«ARNAPRINT» Масъулияти чекланган жамияти босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Ҳ. Бойқаро кўчаси, 51.

Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш методикаси ва ўқув-методик қўлланмаси. — Т.: Ўзбекистон, 2002. — 48 б.

65.240

№ 154—2002

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

